

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2022 йил 22 ноябрда қабул қилинган Сенат томонидан 2023 йил 2 июнда маъқулланган

Мамлакатимизда техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасида тузилмавий ўзгартиришларни янада чуқурлаштириш, уларни халқаро стандартларга мослаштириш, стандартларни кенг қўллаш учун муҳит яратиш, шунингдек мувофиқликни баҳолаш жараёнларига замонавий усулларни жорий этиш юзасидан тизимли чора-тадбирлар қўрилмоқда.

Шу муносабат билан техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш, шунингдек мувофиқликни баҳолаш қоидалари бузилишларининг олдини олиш соҳасида содир этилган ҳуқуқбузарликлар учун қўлланиладиган таъсир чораларини янада тартибга солиш зарурати ҳам юзага келмоқда.

Ушбу Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқликни баҳолаш органлари томонидан мувофиқликни баҳолаш қоидаларини техник регламентлар талабларига мувофиқ бўлмаган маҳсулот чиқарилишига ёки мувофиқликни баҳолашни амалга ошириш учун махсулотни тақдим этган жисмоний ёки юридик шахсга зарар етказилишига сабаб бўладиган тарзда бузганлик учун жавобгарликни белгилловчи ўзгартишлар киритилмоқда. Шу билан бирга техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш органларининг мазкур соҳадаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни қўриб чиқиш билан боғлиқ ваколатлари аниқлаштирилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

«Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2023 йил 20 июнда қабул қилинган Сенат томонидан 2023 йил 23 июнда маъқулланган

Бугунги кунда мамлакатимизнинг жаҳон майдонидаги нуфузи тобора ошиб бораётганлигини, айниқса, маданият, спорт ва илм-фан соҳаларида катта ғалабаларга эришилди, Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи жаҳон узра баланд кўтарилаётганлигини инобатга олиб, шу муносабат билан фуқароларнинг ўз ватанпарварлик туйғуларини ифода этиш ҳамда Ватанимиз эришяётган ютуқларни қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат рамзларидан, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғидан кенг фойдаланишга бўлган талаб ошиб бораётганлигини англган ҳолда, шунга қўра, ҳозирги замон воқеаликларини, фуқароларнинг тақлифлари ва талаб-истакларининг ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғидан фойдаланиш билан боғлиқ нормаларни янада такомиллаштириш зарурияти юзага келаётганлигини эътиборга олиб, жисмоний ва юридик шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғидан зарур ҳурматни таъминлаган ҳолда фойдаланилиши ҳолларини кенгайтириш, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тасвири билан устки кийим-бошини безатиш ёки Ўзбекистонга тегишлиликни белгилаш учун тушириш имкониятини яратиш мақсадида,

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғига нисбатан ҳурматсизлик билан муносабатда бўлинишига йўл қўйилмайдиган аниқ ҳоллар белгиланишини назарда тутиб, Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғидан кенг фойдаланилишини ҳамда Ватанга нисбатан фахр-ифтихор ва меҳр-муҳаббат туйғулари янада кучайтирилишини таъминлаш мақсадида ушбу Қонун қабул қилинмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Муносабат

ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСЛАРИ ЎЗARO ҲАМЖИҲАТЛИК ВА ДЎСТЛИКНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАЙДИ

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) ташкил топганидан буён ўз фаолиятида минтақавий хавфсизлик, терроризм, этник сепаратизм ва диний экстремизмга қарши кураш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келяпти.

Бугунги дунёда содир бўлаётган геосиёсий кескинлик ва мождарлар бу масалалар қанчаллик долзарб эканлигини ва уни зудлик билан ҳал этиш зарурлигини кўрсатаяпти.

Ўзбекистон ташкилотнинг салоҳияти ва халқаро нуфузини ошириш, аъзо давлатлар ўртасида ўзаро амалий ҳамкорликни фаоллаштиришга интилиб келмоқда. Хавфсизлик масалалари билан бир қаторда савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликни кен-

2023 9-IYUL O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI SAYLOVI



Сирожиiddн ВОҲИДОВ олган сурат.

МИЛЛИЙ САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИ: ТАРАҚҚИЁТ ВА ТАКОМИЛ

Мамлакатимизда эртага, 9 июль куни бўлиб ўтадиган мuddатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида сўнгги йилларда миллий сайлов қонунчилиги ва амалиётига киритилган ўзгартишлар муҳим аҳамият касб этади.

Нуфузли халқаро демократик сайлов таъмоийилларига садоқатининг, мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари, жумладан, сайлов ҳуқуқини амалда тенг ва тўла таъминлаш борасида собитқадамлик билан амалга оширилаётган ислохотларнинг яна бир тасдиғи бўлади.

Сайлов қонунчилиги ва амалиётининг муттасил ривожланиб ва такомиллашиб бориши эркин демократик давлатга хос муҳим жараён. Бунда халқаро сайлов стандартлари талаблари ва халқаро ташкилотларнинг сайловларни кузатиш миссияларининг маъбул тавсиялари ҳисобга олиниши, табиий.

Сўнгги йилларда ташки дунё учун очик, рақобатбардош, демократик янги Ўзбекистонни барпо этиш доирасида фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш бўйича конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш соҳасида кенг қамровли ва изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим белгиларидан бири бўлган умумий, тенг, тўғридан-тўғри, яширин овоз бериш таъмоийилларига таянган ҳолда сайлов ҳуқуқини кенг ва тўла таъминлашга, сайловларни эркин ва адолатли, очик-ошқора ўтказишга оид ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлашга, жумладан, замонавий демократик сайлов тизимини ривожлантиришга қаратилаётган изчил ислохотлар ўзининг юксак самараларини бермоқда.

Нуфузли халқаро экспертлар таъкидлаганларидек, янги Ўзбекистон шароитида сайлов қонунчилигини изчил такомиллаштириш ҳамда сайловларни ўтказиш амалиёти сифат жиҳатдан янги, янада юксак поғонага кўтарилди. 2023 йил 30 апрель куни бўлиб ўтган умумхалқ референдумида халқимизнинг сиёсий онги, ҳуқуқий маданияти ва тафаккурининг амалдаги ноёб маҳсули — илк бор фуқароларнинг фаол иштирокида шакллантирилган Ўзбекистон Республикасининг янги тахрирдаги Конституцияси қабул қилинди.

Янгиланган Конституция фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини янада кенг ва тўла таъминлаш ҳамда миллий сайлов тизимини такомиллаштиришга қаратилган янги моддалар билан бойитилди.

Жумладан, муомалага лаёқатсиз деб топилган, шунингдек, оғир ва ўта оғир жиноятлар содир қилганлиги учун озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган фуқаролар сайловда қатнашиш ҳуқуқидан фақат қонунга мувофиқ ва суд қарори асосида маҳрум қилиниши мумкинлиги мустаҳкамланди. Референдум ва сайловлар марказлашган ҳолда Марказий сайлов комиссияси раҳбарлигида сайлов комиссиялари тизими томонидан амалга оширилишига оид қоидалар билан тўлдирилди.

Бунгача суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек, оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этганлиги учун суднинг ҳукми билан озод-

ликдан маҳрум қилиш жойларида сақланаётган шахслар сайловда иштирок эта олмади.

Дарҳақиқат, муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларининг тўлиқ чекланиши Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт каби умумэтироф этилган халқаро ҳужжатларда белгиланган қоидаларга мос эмас эди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судининг 2010 йил 20 майдаги қарориди айтилишича, фақат ақлий қобилиятга қўра тўлиқ сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилиш суднинг қарорисиз қонуний деб ҳисобланиши мумкин эмас.

Айрим давлатлар қонунчилигида, хусусан, Греция, Литва, Люксембург, Польша, Озарбайжон, Арманистон, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Болгария, Кипр ва Руминияда суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқарони овоз бериш ҳуқуқидан маҳрум қилишга доир қоидалар мавжуд. Бироқ бошқа мамлакатларда, жумладан, Европанинг саккизта давлати — Бельгия, Чехия, Венгрия, Португалия, Словения, Мальта, Эстония, Лихтенштейнда фуқарони суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилганидан кейин ҳам автоматик равишда сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилмайди. Фуқаронинг муомала лаёқати тўғрисидаги масалани ҳал қилиш чоғида суд уни сайлов ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги масалани яқка тартибда қўриб чиқади.



Мулоқот

СИЁСИЙ ТАДБИРГА ТАЙЁРГАРЛИК ЖАРАЁНИ ЮҚОРИ БАҲОЛАНДИ

Кеча Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари С. Сафоев Қозоғистон Республикаси парламенти Сенати қўмитаси раиси А. Шакиров билан учрашди.

Учрашувда С. Сафоев икки қардош халқнинг тарихий муносабатлари, парламентлараро ҳамкорлик масалалари тўхталди. Шу билан бирга, юртимизда ўтказилган референдум жараёни, янги тахрирда қабул қилинган Конституцияга киритилган муҳим ўзгартиришлардан қўзланган асосий мақсад — халқимиз турмуш тарзини янада яхшилаш, улар ҳар томонлама давлат ҳўмоясиди бўлишини Бош қўмис билан мустаҳкамлаб қўйиш эканини алоҳида қайд этди.

Ўз навбатида, республикамизда ўтказилаётган мuddатидан илгари Президент сайловида халқаро қўзатувчи сифатида иштирок этаётган А. Шакиров сўнгги йилларда Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, айниқса, яхши қўшничилик ҳамда парламентлараро ҳамкорлик борасидаги ишлар юзасидан ўзининг ижобий муносабатини билдирди. Айни чоғда у бўлажақ сиёсий тадбирнинг муҳимлигига эътибор қаратиб, сайловга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш жараёнининг ташкилий даражасига юқори баҳо берди.

Мулоқот давомида Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоеванинг Қозоғистон Республикасига расмий ташрифи чоғида эришилган келишувларни амалга ошириш масалалари ҳам қўриб чиқилди.

Бундан ташқари, савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг асосий йўналишлари, Орол минтақасидаги сув муаммосини ҳал этиш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш каби масалалар, қўшма лойиҳаларни амалга ошириш бўйича тақлифлар муҳокама қилинди.

Учрашувда томонларни қўзиктирган бошқа масалалар ҳам қўриб қиклди.

«Халқ сўзи».

АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ ЮЗАСИДАН ФИҚР АЛМАШИЛДИ

Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев 9 июль куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида халқаро қўзатувчи сифатида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Америка — Ўзбекистон савдо палатаси раиси, "White&Case" ҳуқуқ фирмаси ҳамқори Кэролин Лэмми билан учрашди.

Мулоқот чоғида Кэролин Лэмми Ўзбекистонга олдин ҳам келганини ва сўнгги йилларда мамлакатда катта ўзгаришлар юз берганига ғувоҳ бўлганини қўшма кооперация лойиҳаларини илгари суриш юзасидан фикр алмашилди.

Ўз навбатида, С. Сафоев янги тахрирда қабул қилинган Конституция нормаларини инсонлар ҳаётида тўлиқ акс эттириш борасида атрафлича ишлар амалга оширилаётгани, давлат раҳбарининг ташаббуси билан иътимоий таъминот соҳасида чуқур ва пухта ўйланган сиёсат олиб

борилаётганига алоҳида урғу берди.

Учрашувда мамлакатларимиз корхоналари ўртасидаги амалий ҳамкорликни кенгайтириш ва қўшма кооперация лойиҳаларини илгари суриш юзасидан фикр алмашилди.

К. Лэмми мuddатидан илгари Президент сайловида овоз бериш жараёни очиклик ва ошқоралик таъмоийиллари асосида ташкил этилишига ишонч билдирди.

Учрашувда томонларни қўзиктирган бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар киритиш ҳақида

⚡ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мазкур Қонун мувофиқликни баҳолаш қоидалари бузилишларининг олдини олишга, шунингдек техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш органларининг мансабдор шахслари томонидан содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни қўриб чиқиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5–6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4–5, 126-модда, № 9, 281-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда;

2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 12, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 802, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар, № 11, 1066-модда; 2022 йил, № 1, 1, 2-моддалар, № 2, 80, 81-моддалар, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 465, 466, 467-моддалар, № 8, 787-модда, № 10, 981, 984-моддалар) қуйдаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **214-модда** қуйдаги тахрирда баён этилсин:

«214-модда. Сертификатлаштириш ва мувофиқликни баҳолаш қоидаларини бузиш	
Сертификатлаштириш ва мувофиқликни баҳрлаш қоидаларини бузиш, – базавий ҳисоблаш миқдорининг икки бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, – фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан	

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

«Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»ги

Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

⚡ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»**ги 407–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 1, 27-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 5, 124-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 йил, № 12, 473-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 9, 589-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйдаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **5-модда:**
биринчи қисмининг 1, 2 ва 3-бандлари қуйдаги тахрирда баён этилсин:

«1) доийий равишда:

Ўзбекистон Республикаси Президенти қароргоҳларининг;
Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг;
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг;
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг;
республика ихро этувчи ҳокимият органларининг;
Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг;
Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг;

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг;
Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг;
Ўзбекистон Республикаси Хисоб палатасининг;
Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг;
Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгашининг;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг;
судларнинг;
прокуратура органларининг биноларида;

2) доийий равишда:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг;
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг;
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг;
Ўзбекистон Республикаси Конституцыйвий судининг, Ўзбекистон

Республикаси Олий судининг;
республика ихро этувчи ҳокимият органларининг;
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг;
Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг;
Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг;

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг;
Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг;
Ўзбекистон Республикаси Хисоб палатасининг;
Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг;
Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгашининг;

АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ – КОРРУПЦИЯДАН ХОЛИ ЖАМИЯТ ҚУРИШ

⚡ Фармонда коррупцияга қарши курашининг самарадорлигини ошириш мақсадида илгор халқроқ стан­дартларга асосланиб унинг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш ва-зифалари белгиланди. Айни чоғда Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2021-2022 йилларга мўлжалланган давлат дастурида қатор қонунлари ишлаб чиқиш вазифаси ҳам кўйилди. Улар орасида “Манфаатлар тўқнашувини тартибга со­лиш тўғрисида”ги қонун ҳам бўлиб, у жорий йил июнь ойида Олий Мажлис Сена­ти томонидан маъқулланди.

Қонун 5 боб, 33 моддадан иборат бўлиб, умумий қоидалар, манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ муносабатларни давлат томонидан тартибга солиш, ман­фаатлар тўқнашуви тўғрисидаги ахборот­ни ошкор этишга ва манфаатлар тўқна­шувини аниқлашга доир чоралар, ман­фа­атлар тўқнашувини тартибга солиш бора­сидаги чораларни қўриб чиқиш ва текши­ришга оид меъёрлар ўрин олган.

Бу қонун давлат органлари ва маҳал­лий давлат ҳокимияти органлари ҳамда давлат муассасалари, унитар корхоналар ва мақсадли жамғармалар, шунингдек, ус­тав фондида давлат улуши 50 фоиз миқ­дорда ва ундан ортик бўлган акциядорлик жамиятларига нисбатан қўлланилади.

Қонунда манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш­нинг асосий принциплари қилиб қонунчи­лик, фуқаролар, ташиқлотлар ҳамда жа­мият ва давлатнинг қонуний манфаатлари устуворлиги, очиклик ҳамда шаффофлик, холислик ва коррупцияга нисбатан му­ро­сасизлик қаби­лар келтириб ўтилган.

Қолаверса, унда давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг ходими, ман­фаатлар тўқнашуви, уни тартибга солиш бўйича мах­сус бўли­ма, шахсий ман­фаатдорлик, яқин қариндошлар тушунчалари маъносини очиб берилган. Унга кўра давлат органи ёки бошқа ташкилотнинг ходими, бу — давлат органларида ёки бошқа ташкилот­ларда меҳнат шартномаси асосида ёхуд

сайлаб қўйиладиган ёки тайинланадиган лавозимларда иш­лаётган бошқарув хо­димлари, деб белгиланди. Яқин қариндош­лар қаторига эса ота-оналар, ака-укалар, опа-сингиллар, ўғиллар, қизлар, эр-хотин­лар ҳамда эр-хотинларнинг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари ва фарзанд­лари киритилган.

Мазкур қонунга биноан, давлат органи ёки бошқа ташкилот ходимининг яқин қариндошлари ёхуд шу ходим, унинг яқин қариндошлари қайси юридик шахс устав фонди акциялари­га ёки улушлари­га эга­лик қилса уша юридик шахс, ходим ёхуд унинг яқин қариндошлари қайси юридик шахсда бошқарув органининг раҳбари ёки аъзоси бўлса, уша юридик шахс давлат органи ёки бошқа ташкилотнинг ходимига алоқадор шахслар, деб эъти­роф этилади.

Қонунга мувофиқ, давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг ходими ўз ла­во­зи мажбуриятларини ёки хизмат вако­латларини виждонан бажариши ва улар бажарилишига таъсир кўрсатадиган ёки

таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ўз шахсий ман­фаатлари билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатлардан ўзини тийиши талаб этилади.

Шу билан бирга, ман­фаатлар тўқнашу­ви юзага келган тақ­дирда, тезда бевоси­та раҳбари ёки мах­сус бўлинмани хабар­дор қилиши, бўйсунувдаги ходимларни ёки бошқа ходимларни шахсий ман­фаатини қўзловчи ҳаракатта (ҳаракатсизликка) маж­буриятмаслиги ҳамда бошқа ходимларга нисбатан ўзига маълум бўлган ман­фаат­лар тўқнашуви холлари тўғрисида хабар бериши за­рур бўлади.

Қайд этиш керакки, давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг ходими ман­фа­атлар тўқнашуви ўзига маълум бўлган пайтдан эътиборан бир иш қуни да­воми­да шу ҳақдаги хабарномани тўлдирди ва бевосита раҳбарига ёки мах­сус бўлинма­га тақдим этади.

Янги қонунда давлат органи ёки бошқа ташкилотнинг ходими шахсга доир маъ­лумотлари ўзгарганда ҳар йили 15 январ-

дан кечиктирмай эҳтимолий ман­фаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларацияни тўлдир­ишга доир талаб ҳам мав­жуд.

Қолаверса, ишга қабул қилинаётган ном­зод ёки бошқа ишга ўтказилган ходим эҳтимолий ман­фаатлар тўқнашуви­га оид декларацияни тўлдир­ади ва тақдим этади. Бундан ташқари, давлат органи ёки бошқа ташкилот ходими фаолиятида ман­фаатлар тўқнашувининг олдини олишга қаратилган чоралар ҳам кўзда тутилган. Хусусан, қонуннинг 8-моддасида ман­фа­атлар тўқнашуви ҳақидаги маълумотларни яшириш, била туриб ёлгон ёки нотўғри ахборот тақдим этиш, бири бошқасига бўйсунувчи ёки назоратидаги ташкилотда ўриндошлик бўйича ишлаш, тижорат та­ш­ки­лотлари таъсис­чи­си, жу­мадан, акция­дори, иштирок­чи­си бўлиш, ўзи иш­лаётган ташкилот назоратида бўлган тижорат та­ш­ки­лотларининг акцияларига ёки устак ка­питалидаги улушларига ўзи ёки яқин қариндошлари эгалик қилиши ҳамда ушбу ташкилотларнинг бошқарув органи аъзо-

си бўлишга ҳақли эмаслиги белгилаб қўйилмоқда.

Эътиборли жиҳати шундаки, қонунга кўра ман­фаатлар тўқнашуви билан боғлиқ му­но­сабатлар қатор давлат органлари то­монидан тартибга солинади. Улар — Ўзбе­кистон Республикаси Кор­рупцияга қарши курашиш агентли­ги, давлат органлари ёки бошқа ташкилотлар, ушбу идораларнинг одо­б-ахлоқ комиссияси, мах­сус бўли­ма, шунинг­дек, коррупцияга қарши икки бўлин­малари ва кадрлар бўлин­малари.

Умуман, сўз юритилаётган қонунда ман­фаатлар тўқнашуви­га тааллуқли қўлаб янги норма­лар жамланган бўлиб, унинг амалиётда та­тибқ қилиниши бу борадаги муам­моларни ҳал этишда мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Ботир МАТМУРАТОВ,
Олий Мажлис Сенатининг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология қўмитаси раиси ўринбосари.

МИЛЛИЙ САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИ:

ТАРАҚҚИЁТ ВА ТАКОМИЛ

Шу билан бирга, Европанинг Германия, Франция, Австрия, Дания, Буюк Британия, Финляндия, Ирландия, Италия, Швеция, Испания, Нидерландия, Словакия, Латвия, Хорватия каби аксарият давлатларида муомалага лаёқатсиз шахс ҳар қандай шароитда овоз бериш ҳуқуқидан маҳрум қилинмаган.

Умуман олганда, сўнгги 15 йил давомида хорижий давлатлар қонунчилигида сайлов ҳуқуқини чеклашга оид қоидаларни чиқариб ташлаш ёки муомалага лаёқатсиз шахсларни фақат суд қарори билан сайлов ҳуқуқидан маҳрум этиш тарафига ўзгартириш тенденцияси кузатишмоқда.

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ)нинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси сайловни кузатиш миссияси томонидан Ўзбекистонда ўтказилган ҳар бир сайлов якуни бўйича тайёрланган ҳисоботларда муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқароларнинг ва маҳкумларнинг сайлов ҳуқуқи таъминланмаганлиги қайд этиб келинар эди.

Шуларни инобатга олиб, 2019 йили мамлакатимиз Конституциясининг 117-моддасига ўзгартириш киритилди. Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган, шунингдек, оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этганлиги учун суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум қилиш жойларида сақланаётган шахслар сайловда иштирок этмаслиги, бошқа ҳар қандай ҳолларда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмаслиги ҳақидаги қоида билан бойитилди. Яъни озодликдан маҳрум қилиш жойларида сақланаётган шахсларнинг сезиларли қисми сайлаш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Бугунги кунда жаҳоннинг 173 давлати томонидан қабул қилинган Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга Ўзбекистон 1995 йилдан қўшилган. Мазкур халқаро пактнинг 2-моддасида белгиланганидек, ҳар бир иштирокчи давлат ўз ҳудудида турган ва ўз юрисдикцияси остида бўлган барча шахснинг ушбу пактда эътироф этилган ҳуқуқларини ҳеч бир айирмачиликсиз, жумладан, irqи, танасининг ранги, жинси, тили, диний, сиёсий ёки

бошқа эътиқодидан, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мулкӣ аҳоли, туғилиши ёки ўзга ҳолатидан қатъи назар, ҳурмат қилиш ва таъминлаш мажбуриятини олади.

Бундан ташқари, халқаро пактнинг 25-моддасида ҳар бир фуқаро умумий тенг сайлов ҳуқуқи асосида, яъин овоз бериш орқали ўтказилмаган ва сайловчиларнинг эркин хоҳиш-иродасини таъминлайдиган чинкама даврий сайловларда овоз бериш ва сайланиш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган.

Шунингдек, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 21-моддасида ҳар бир инсон бевосита ёки эркин сайланган вакиллар орқали ўз мамлакатини бошқаришда қатнашиш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси давлатларнинг ушбу халқаро ҳужжатларга риоя этишини назорат қилади ва маҳкумлар овоз бериши таъқиқланган ҳукуматларни миллий қонунларни ўзгартиришга чақириб келади.

Бундан ташқари, БМТ Бош Ассамблеясининг 70-сессиясида резолюция тарзида қабул қилинган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маҳкумлар билан муомала қилиш бўйича минимал стандарт қоидалари (Нельсон Мандела қоидалари)нинг 5-қоидасида қамоқхона режими қамоқхонадаги ва озодликдаги ҳаёт ўртасидаги фарқни имкон қадар камайтиришга интилиши кераклиги тавсия этилган.

Шунингдек, “Мандела қоидалари”га кўра, маҳкумлар билан муомала қилганда, улар жамиятдан ажратиб олингани эмас, балки улар хали ҳам жамият аъзоси эканлиги таъкидланиши лозим. Қамоқда сақлаш ёки бошқа шу каби жазо чорасига ҳукм қилинган шахслар билан муомалада улар ўтаётган муддат давомиёлигини ҳисобга олиб, уларга қонунларга бўйсунуш ва озод этилганидан кейин ўз ҳаётини таъминлаш истagini сиғдиришга, шунингдек, уларга янги ҳаётга мослашишда ёрдам беришга интилиш лозим. Маҳкумлар билан муомала уларда ўз қадр-қимматини ҳис этиш ва ўз масъулиятини англаш тўғрисида мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Таъкидлаш жоизки, озодликдан маҳрум этилганларни сайлов ҳуқуқларидан маҳрум қилиш масалаларида хо-

рижий тажрибада бир хил ёндашув мавжуд эмас.

Масалан, оғир ёки ўта оғир жиноят содир этган шахсларга нисбатан қўлланаётган хорижий тажриба шунч қўрсатдики, кўпгина мамлакатларда, жумладан, Озарбайжон, Албания, Дания, Исроил, Ирландия, Испания, Канада, Латвия, Литва, Македония, Норвегия, Сербия, Словения, Украина, Финляндия, Хорватия, Чехия, Швейцария, Черногория, Швецияда жиноят содир этган фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари умуман чекланмаган ёки фақат суд тартибиди (Австрия, Бельгия, Босния-Герцеговина, Германия, Греция, Исландия, Италия, Люксембург, Мальта, Польша, Португалия, Руминия, Кипр, Молдова, Монако, Нидерландия, Норвегия, Словакия, Франция) маҳрум қилиш жорий этилган.

Ўзбекистон Республикаси янгиланган Конституциясининг сайлов масалаларида баъхашланган 22-бобиди миллий сайлов тизимига оид муҳим тамойил ва нормалар белгиллади.

Хусусан, Конституциянинг 128-моддасида суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек, оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этганлик учун суднинг ҳукмига кўра озодликдан маҳрум қилиш жойларида сақланаётган шахслар сайловда иштирок этиш ҳуқуқидан фақат қонунга мувофиқ ҳагда суднинг қарори асосида маҳрум қилиниши мумкин. Бошқа ҳар қандай ҳолларда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмайди.

Шунингдек, Конституциянинг мазкур моддасига асосан Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириши тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланган.

Ушбу моддада Ўзбекистон Республикаси Президенти муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини тайинлашга ҳақли эканлиги белгиланди. Бундан ташқари, унда мустаҳкамланган сайлов ҳуқуқининг муҳим принциплари сайлов жараёнларини халқаро сайлов стандартлари асосида очик-ошқора ва демокра-

тик тарзда ўтказишга хизмат қилади.

Марказий сайлов комиссиясининг ҳаққоний, адолатли, демократик сайловларни ташкил этиш ва ўтказишдаги ролини янада ошириш ҳамда ўзи ҳам мустақил ва айни вақтда сайлов комиссиялари мустақиллигининг том маънодаги ҳимоячиси сифатида фаолият олиб борадиган орган сифатида қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини амалга ошириш орқали қонун ижодкорлиги жараёнида сайлов комиссияларининг фаоллигини таъминлаши алоҳида аҳамиятга эга.

Шу боис Марказий сайлов комиссияси қонунчилик тақлифларини қонунчилик ташаббуси тартибиди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қиритишга ҳақли эканлиги Конституция билан белгиланди. Бу эса сайлов қонунчилигини янада такомиллаштиришга ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Шунингдек, Конституциянинг 129-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва уларни ўтказиш, шунингдек, фуқароларнинг конституциявий сайлов ҳуқуқларини амалга оширишни таъминлаш бўйича умумэтироф этилган халқаро принциплар ва стандартларни ҳисобга олган ҳолда, сайлов тизими ягона мустақил ва марказий орган томонидан назорат қилинишини назарда тутди.

Ушбу конституциявий қоида сайлов тизимини такомиллаштиришга, сайлов

жараёни иштирокчиларининг ҳуқуқий кафолатларини кучайтиришга, сайловларнинг ихчам, самарали, тизимли ва тартибли амалга оширилишини, сайлов қонунчилигининг бир хилда қўлланилишини таъминлашга хизмат қилади.

Ушбу моддада Марказий сайлов комиссиясининг Раиси Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига биноан комиссия аъзолари орасидан беш йиллик муддатга комиссия мажлисида сайланади, айни бир шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ Марказий сайлов комиссиясининг раиси этиб сайланиши мумкин эмаслиги ҳам белгиланган.

Сайлов кодексига эса энг сўнгги муҳим ўзгартишлар 2023 йил 6 майда “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар қиритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонун билан қиритилди.

Ушбу Конституциявий Қонун билан суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек, оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этганлик учун суднинг ҳукмига кўра озодликдан маҳрум қилиш жойларида сақланаётган шахслар сайловда иштирок этиш ҳуқуқидан фақат қонунга мувофиқ ҳагда суднинг қарори асосида маҳрум қилиниши мумкинлиги, бошқа ҳар қандай ҳолларда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмаслиги белгиланди.

Янгиланган Конституция талабларига мувофиқ сайлов қонунчилигини такомиллаштириш, шу жумладан, сайловларини ва референдумни профессионал тажрибага эга бўлган, доимий асосда ишлайдиган, конституциявий орган саналми Марказий сайлов комиссияси ва сайлов комиссиялари томонидан марказлашган тартибда ташкил этилишини назарда тутадиган қонунчилик тақлифлари ишлаб чиқилмоқда.

Мўхтасар айтганда, миллий сайлов тизимини янада демократлаштириш, сайлов қонунчилиги ва амалиётини умумэтирофдаги халқаро стандартлар билан уйғунлаштириш, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини янада кенг ва тўла таъминлашга қаратилаётган доимий эътибор ривожланган демократик давлат, эркин ва мустақил, фаровон жамият қуришда муҳим омил бўлиши, шубҳасиз.

Баҳром ҚҶҶҚОРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси
Раисининг ўринбосари.

ЯНГИЛИКЛАР хабарлар

ТАФСИЛОТЛАР

БИР МАҲАЛЛАДА
68 ТА КОРХОНА

Айни пайтда Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз туманидаги “Хонтепа” МФЙда 68 та тadbиркорлик субъекти фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, бу маҳалладаги деярли ҳар етти хонадондан бири ўз корхонасига эга, дегандир.



Ана шундай субъектлардан бири “Фатҳиддин Азизов” хусусий корхонаси 2021 йили яна ичимликлар ишлаб чиқариш билан ўз фаолиятини бошлаган бўлса, жорий йилда яна иккита лойиҳани амалга оширди.

— Дастлабки лойиҳамиз яхши самара бергач, бу йил тоза сув ишлаб чиқаришга икти-сослаштирилган яна бир замонавий техноло-гияни харид қилиб, ишга туширдик, — дейди корхона раҳбари Камолддин Набиев. — Шунингдек, ош тузини тозалаб, қадоқлаш ҳам йўлга қўйилди.

Эътиборли томони, маҳалладаги 68 та субъектнинг ҳар бирида ўнлаб йигит-қизлар иш билан банд.

— Бундан ташқари, маҳалламизда оилавий тadbиркорлик ҳам ривожланиб бормоқда, — дейди Хонтепа маҳалласидаги ҳоким ёрдамчиси Илхом Исаев. — Хусусан, 245 та хонадон биоло-гия му тайёрлашни йўлга қўйган. Келажагда шу тармоқни маҳалланинг “ўсиш нуқтаси”га айлан-тирмоқчимиз. Қолаверса, яна юздан ортиқ хона-донлар вакиллари асарчилик, паррандачилик ва чорвачилик билан шуғулланяпти. 504 та хо-надондан 440 тасининг ўртача 6 сотихдан томо-ракчи бор. Улар, асосан, саримсоқчиёз, картош-ка ва қишлоқ ҳўжалигининг бошқа маҳсулотла-рини етиштириб, яхши даромад олмақда.

Жаҳонгир БОЙМУРОВОД
(«Халқ сўзи»).

ИНСТИТУТ
ФАОЛИЯТИ
ХАЛҚАРО РЕЙТИНГДАН
ЖОЙ ОЛДИ

Буюк Британиянинг “Times Higher Education” агентлиги томонидан 2023 йил учун эълон қилинган навиқрон университет-лар рейтингини — “Young Universities Ranking”да Наманган муҳандислик-қурилиш институтининг эътироф этилиши жамоа учун ажойиб хўшхабар бўлди.

Нуфузли рейтингда ташкил топганига 50 йил ва ундан кам бўлган дунёнинг энг яхши олий таълим муассасалари келтириб ўтилган. Қўрсатилган олий ўқув юртилари таълим, тadbқиқот, билимлар алмашинуви ва халқаро алоқалар каби 13 та кўрсаткич бўйича баҳоланган.

Айтиш жоизки, “Young Universities Ranking”нинг жорий йилги рейтингидан дунёнинг 605 та уни-верситет ва институти ўрин олди.

— Фаолиятимизнинг халқаро миқёсда ба-ҳолилангани мустаҳкам асослари бор, ал-батта, — дейди институтнинг илмий тadbқиқотлар, инновациялар ва илмий-педагогик қадрлар тайёр-лаш бўлими бошлиғи Дилшод Абдуваҳобов. — Давлат грантларидан фойдаланиш борасида 2023 йилнинг ўзида профессор-ўқитувчи ҳагда иқтидорли талабаларнинг томонидан жами 9 та — 2 миллиард 843 миллион сўмлик қийматдаги лойиҳа амалга оширилмоқда. Шу йилнинг би-ринчи ярмида 21 та диссертация ҳимоя қили-ниб, икки ўқитувчимиз профессор, 8 нафари доцент илмий унвонига мушарраф бўлди.

Бундай ижобий кўрсаткичлар халқаро ҳам-корлик, иқтидорли талабалар билан ишлаш, давлат стипендиялари номзодлар тайёрлаш йўналишларида ҳам яхшиланиб бормоқда.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ
(«Халқ сўзи»).

МАРКАЗИЙ ШИФОХОНА
ЯНГИ БИНОДА
ИШ БОШЛАДИ

Тошлоқ тумани марказий шифохонасининг замонавий лойиҳа асосидаги янги беш қаватли биносини барпо этиш учун 22,6 миллиард сўм маблағ сарфланди.



— Марказий шифохонанинг эски бинолари қарийб 60 йил аввал қурилган ва шу пайтгача мукаммал таъмирланмагани учун қўйимчи ҳолатга тушиб қолганди, — дейди Тошлоқ ту-мани тиббиёт бirlашмаси бошлиғи Акмал Шерматов. — Устига-устак, марказий шифохо-на мослаштирилган биналарда жойлашганлиги учун беморларга тиббий хизмат қўрсатишда но-қулайликлар кўп эди. Янги бинонинг фойдала-нишга топширилгани эса аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш борасидаги имкониятларимизни янада кенгайтирди.

Янгидан фойдаланишга топширилган диаг-ностика, реанимация, тугурувчи, хирургия ҳагда терапия бўлимларида жaҳон андозла-рига мос шaroитлар мўхайё қилинди. Рақамли рентген, УТТ, гастрофиброскоп, ЭКГ каби за-монaвий тиббий ускуналар олиб келиб ўрнатилди. Клиник ва биохимик лаборатория хоналари ташкил этилиб, диагностика ва даво-лаш борасида қулайликлар яратилди.

Ботир МАДИЁРОВ
(«Халқ сўзи»).



Сўнгги олти йилдан ошдик вақт давомида амалга оширилган фаол ва очик тaшқи сиёсатимиз тинчлик, ҳам-корлик, дўстлик тaмoйилларига асосланган ҳолда олиб бoрилмоқ-да. ШХТ доирасида ҳам Ўзбекистон тинчлик ва барқарорликни таъ-минлаш бўйича биргаликдаги саъй-ҳаракатларни фаоллашти-риш, савдо-иқтисодий ва сармо-явий ҳамкорликни чуқурлаштириш, транспорт алоқаларини кенгайти-риш каби энг устувор йўналиш-лар бўйича ўз ташаббусларини илгари суриб келмоқда.

Коммуникатив алоқалар, қаш-шоқликни қисқартириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, соғлиқни сақлаш, маданий-гума-нитар ва иқлим ўзгаришига қарши курашда мавжуд салоҳиятдан кенг фойдаланиш масалалари бўйича ўзаро ҳамкорликни кучайтиришга эътибор қаратилди.

Хиндистон раислик қилган навбатдаги ШХТга аъзо давлатлар раҳбарлари кенгаши мажлисида Президент Шавкат Миразиёев нутқ сўзлаб, кўп қиррали ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга доир Ўзбекистон ташаббуслари-ни баён қилди.

Хабарингиз бор, 2022 йилда Ўзбекистон томонидан ўзаро му-лоқот ва ишонч борасидаги чoра-тадбирларни мустаҳкамлаш мак-садидида умумий хавфсизлик ва фa-ровонлик йўлидаги бирдамлик бўйича Самарқанд ташаббуси ил-гари сурилган эди. Мазкур ташаб-буснинг глобал аҳамиятини ҳисоб-га олган ҳолда БМТ ва бошқа ну-фузли халқаро шериклар билан биргаликда баҳс ва мoжароларни ҳал этиш, тинчлик ва барқарoр-ликни таъминлаш бўйича мақбул ечимларни излаш ва қарорларни қабул қилиш мақсадида доимий платформанинг йўлга қўйилиши жуда муҳим ҳисобланади.

Айни кунларда дунёда инсон-нинг бевосита таъсири туфайли юзага келаятган муаммолардан ташқари, табиат ҳам инсоният олдиға муҳим синовларни кўнда-ланг кўймоқда. Усиб бoраётган аҳоли сонига нисбатан сув ва энергия ресурслари танқислиги аъзо давлатлар олдиға долзарб вазибаларни биргаликда ҳал қилиш шартини қўяди.

Кузатпaмизки, замонавий дунёда турли қарашлар шакл-ланган. Шу боис давлатимиз раҳбари томонидан ШХТга аъзо давлатлар ўртасидаги алоқалар-да турли манфаатлар, ёндашув-лар, қарашлар, маданий тафо-вулларни ўзаро ҳурмат қилиш ва конструктив идрок қилиш муҳим эканлиги қайд этиб ўтилди. Шу ўринда, бу бoрада ҳамкор дав-латлар билан Ўзбекистон олиб бoраётган тaшқи сиёсатни ало-ҳида урғулаш жоиз, албатта. Зeро, Ўзбекистон ташаббуслари билан Марказий Осиёда янги сиёсий муҳит яратилди. Бу ҳoзирда ва келгусида ўзарo ривожланишга катта имконият бeради.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари томонидан ШХТни рив-ожлантириш борасида ҳам му-ҳим тақлифлар ўртаға ташланди. Жумладан, миллий таҳил мар-казларини бirlаштирган Экс-пертлар форуми доирасида ШХТ иқтибoрларни бўйича қўшма тadbқиқот лoйиҳасини амалға ошириш тақлиф этилди. Бу, ўз навбатида, тaшқиoт доирасида эришилган келишув ва имзола-нган қарорларни тaтловдан ўтка-зиш, ҳамкорлик институти ва ме-ханизмлари фаолиятини аудит қилиш, тузилмани модернизa-циялаш бўйича келишувларнинг амалға оширилишини жадал-лаштириш мақсадидаги эришил-шда жуда муҳим ҳисобланади.

Шу билан бирга, ШХТ доира-сидиға ҳамкорликни янада ривож-

“ ШХТ доирасида ҳам Ўзбекистон тинчлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича биргаликдаги саъй-ҳаракатларни фаоллаштириш, савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни чуқурлаштириш, транспорт алоқаларини кенгайтириш каби энг устувор йўналишлар бўйича ўз ташаббусларини илгари суриб келмоқда. ”

ҳасидаги ҳамкорликни кучайти-риш, маданий-гуманитар йўна-лишда мувофиқлаштирилган сиё-сатни амалга ошириш, минтақа-да ягона ва бўлинмас хавфсиз-ликни таъминлаш масалалари ўрин олган.

Муштарийларни бу йўналиш-ларда Ўзбекистон томонидан қан-дай тақлифлар илгари сурилгани кизиқтириши табиий. Шу боис давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган тақлифларга тўхталиб ўтамиз.

ШХТ доирасида ўзаро ҳамжи-ҳатлик ва англашуви мустаҳкам-лашға ҳал қилувчи вазифа си-фатида қараяпти. Шу боис ШХТ-нинг яхши қўшничилик, ишонч ва трансчегаравий шериклик кодек-сини ишлаб чиқиш ташаббуси илгари сурилди. Мазкур ҳужжат-нинг қабул қилиниши янги ша-роитларда устувор вазибаларни белгиллаб олиш, кўп томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкам-лаш бўйича умумий ёндашувлар ва комплекс чoра-тадбирларни ишлаб чиқиш имконини бeради.

ШХТ минтақаси — бу улкан иқтисодий имкониятлар майдони. Харид қoбиляти паритети бўйи-ча жaҳон яппи маҳсулотининг уч-дан бир қисми, тўғридан-тўғри хoрижий инвестицияларнинг қарийб 27 фоизи ва жaҳондаги савдо ҳажмининг 20 фоизи ШХТ

улушига тўғри келади. Аъзо дав-латлар саноат ва инновацион та-раққиёт кўрсаткичлари бўйича етакчилик қилади, улкан интел-лектуал салоҳиятга, энергетика ва аграр соҳада бой ресурслар-га эга. Ҳoзирги вазиятни ҳисoб-га олиб, минтақавий савдо ва саноат-технологик кооперацияни ривожлантириш учун умумий ма-конни барпо этиш ҳар қачонги-дан ҳам долзарбдир. ШХТнинг инновацион тараққиёт, рақам-лаштириш ва роботлаштириш,

Айтиш ўринлики, бугунги кун-нинг энг долзарб масалалари қаторида “яшил” иқтисодиётга ўтиш, иқлим ўзгаришларига мос-лашиш, “тоза” технологияларни жорий қилиш, “ақлли” қишлоқ ҳўжалиги ва сувдан тежамокoрлик билан фойдаланиш алоҳида ўрин-га эга. Бу бoрада Ўзбекистон то-монидан ўзарo фаолиятни муво-фиқлаштириш ва амалий ҳамко-рликни кучайтириш бўйича тақли-флар илгари сурилди. Жумладан, “Яшил белбоғ” дастури доира-сида Минтақавий экологик лoйиҳаларни қўллаб-қувватлаш ва “яшил” технологияларни жо-рий этиш бўйича қўшма ҳара-катлар режасини тайёрлаш та-қлиф қилинди.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масаласида умумий тамойил ва ёндашувларни иш-лаб чиқиш мақсади ҳам ҳoзирги куннинг долзарб вази-фаси ҳисобланади. ШХТга аъзо давлатларнинг ўзарo мустаҳкам ҳамкорлиги самараси мазкур йўналишдаги масалаларни гло-бал даражада ҳал этишга ама-лий ҳисса бўлиб қўшилади.

Кенг доирада ҳал қилиниши лoзим бўлган масалалардан яна бири туризм соҳасидаги ҳамко-рликни кучайтириш ҳисобланади. Зeро, туризм миллатларo бир-ли ва ҳурматни таъминлашда беқийёс ўринга эга. Қoлаверса, туризм ШХТ давлатлари санъат ва маданиятининг жaҳон мада-ний муҳитига интеграциялашиш-га қўмаклашиб, халқарo майдон-да кўп кўнатирилган ўз тарихий қўринишини мустаҳкамлаш, тари-хий-маданий мерос намуналари-ни дунё бўйлаб тарғиб қилиш орқали халқларимизнинг янада ақинлашишга замин яратди.

Маълумки, давлатимиз раҳбари томонидан 2023 йил — “ШХТ ма-конидида туризмни ривожланти-риш йили” деб номланган бўлиб, жoрий йилда мазкур йўналишда- Тақлиқчиларнинг маълумоти-га кўра, ушбу лoйиҳалар ижроси юк тaшши ҳажмини бир неча барo-бар ошириш билан бирга, транс-порт харажатларини камайтириш имконини бeради. Шунингдек, ШХТ давлатларининг транспорт соҳасидаги ўзарo боғлиқлигиға доир ягона ҳарита ишлаб чиқи-лиши мавжуд “тўсиқлар” ва бўшлиқларни аниқлаш, умумий,

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЮТУҚЛАРИНИНГ ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФИ

Пойтахтимизда

3 июль куни бошланган “Янги Ўзбекистон: тараққиёт, инновация ва маърифат” мавзuida халқаро шериклик ташаббуслари ҳафталиги ҳамда “Ўзбекистон маданий мероси — Янги Ренессанс асоси” халқаро конференцияси кеча ўз низоҳасига этди. Жаҳон ҳамжамияти диққат-эътиборини тортган мазкур нуфузли анжуманда дунёнинг 60 дан зиёд мамлакатларидан давлат арбоблари, сиёсатчилар, йирик бизнес намояндалари ва экспертлар, халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Ҳафталикдан кўзланган мақсад — хорижий ва миллий экспертлар, таҳлилчилар ўртасида янги Ўзбекистондаги демократик ислохотлар, эришилган ютуқлар, навбатдаги долзарб вазифалар, мамлакатда вуқудга келаётган мутлақо янги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ва маънавий-маърифий макон ва муҳит, давлат ташқи ҳамда ички сиёсати устувор йўналишлари юзасидан фикр алмашishi эди.

Бундан ташқари, янги Ўзбекистондаги туб ижобий ўзгаришларни акс эттиришга қаратилган, турли соҳа ва йўналишлар, мавзуларни қамраб олган, аниқланган Конституция ва мамлакатимизда яратилаётган кулай бизнес муҳити, соғлом ва билимли жа-



мият қуриш гоёяси, барқарор келажакни барпо этишга хизмат қиладиган сифатли таълим ва инновация, маданий меросни асраш, ўрганиш ва тарғиб этиш, барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш сингари қизиқарли, муҳим ва долзарб муаммолар таълилга бағишланган сессиялар иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Анжуман доирасида тадқиқот ва таҳлилий марказлар, бизнес ҳамжамияти, вазирлик ва идора-лар томонидан 50 дан зиёд конференция, давра суҳбати, амалий мулоқотлар ташкил этилди. Мазкур халқаро ҳафталик яна бир бор халқаро ҳамжамиятга янги Ўзбекистоннинг ислохотлари, салоҳияти ва имкониятларини намойиш қилишга шароит яратди.

Сўз — анжуман иштирокчиларига

Абдулҳамид АЗАД,
Жаҳон банки сув ресурсларини бошқариш лойиҳалари раҳбари:

— Ўзбекистон сув танқис ҳудудлардан бирига киради. Шунинг учун мамлакат суви тежаш, тежамкор технологияларни жорий этиш, “яшил” иқтисодиётга ўтиш борасида жиддий қадамлар ташламоқда. Ўзбекистон сув ҳўжаларини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган концепциясидан мақсад ҳам сув ҳўжалига соҳасидаги муаммоларга ечим топиш, шунингдек, мамлакатни келажакда қўтилаётган сув танқислигига тайёрлаш. Юртингизда сув ресурсларининг қарийб 90 фоизи қишлоқ ҳўжалари соҳасида сарфланади. “Оби-хаё”дан самарали фойдаланиш” деганда, фақатгина суви тежайдиган технологиялар жорий этилишини тушунамслик керак. Соҳани рақамлаштириш, ҳодимларни ўқитиш, малакасини оши-



ришга ҳам эътибор қаратиш зарур. Яқинда Қорақалпоғистонга бориб келдик. Жаҳон банки иштирокидаги “Жанубий Қорақалпоғистонда сув ресурсларини бошқариш, 2-босқич” лойиҳаси ҳам амалга оширилмоқда. Ушбу лойиҳалар Ўзбекистонда сув ҳўжалига соҳасидаги муаммоларни ечиш имкониятини беради.

Роза АХМАДИЕВА,
Қозон давлат маданият университети ректори (Россия):



— Бундай нуфузли ҳафталикда қатнашганимдан, умуман, Ўзбекистонга келганимдан беҳад мамнунман. Мамлакатда инсон қадри учун барча шароит яратилмоқда. Ўзбекистонда барқарор ривожланишнинг муҳим мақсадлари — ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини қўллаб-қувватлаш, камбағаллик ва ишсизликни қисқартириш, ёшлар ва аёллар тадбиркорлигига қўмаклашиш, таълим, соғлиқни сақлаш ва маънавий-маданий соҳалар мунтазам тараққий этишини таъминлашга алоҳида аҳамият берилаётгани эътиборга молик.

Музаффер ШЕКЕР,
Туркия Фанлар академияси

— Ўтган йили Ўзбекистон Глобал инновация индексида 132 мамлакат орасида 82-ўринни эгаллади. 2030 йилда эса мамлакатингиз Глобал инновация индексида 50 та илгор давлат қаторига қўшилишни нисбад қилган. Таълим соҳасида Ўзбекистоннинг Глобал инновация индексидаги ўрнини яқинлашдиган бир қанча нави йўналишлар мавжуд, деб бемалол айтила олиш мумкин. Булар — олий таълим муассасаларининг рейтингини, халқаро аккредитация, индексланган журналдаги мақолалар сонининг кўпайиши ва бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда янги ўқув дастурларининг жорий этилиши ҳисобланади.

Маълумки, кўникмаларга асосланган иш ўринларини яратиш ва меҳнат бозори эҳтиёжларини қондириш университетларнинг энг муҳим вазифасидир. Ушбу масалаларни ҳал қилиш университетлар, сановат корхоналари, сиёсатчилар ва тегишли манфаатдор то-



монларни жалб этган ҳолда, ҳамкорликдаги ёндашуви талаб қиладди. Шу нуқтаи назардан, халқаро ҳафталик Ўзбекистоннинг хорижий таълим марказлари, хусусан, Ўзбекистон ва Туркия тадқиқотчилари, олимлари ва институтлари ўртасида тадқиқот ўтказиш, билим алмашishi ва инновацион ечимларни ишлаб чиқишда ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилишга имкон яратиб бергани билан фойдала бўлди. Асосийси, халқаро ҳафталик доирасида Ўзбекистон ўзининг бутун салоҳиятини, имкониятларини дунёга намойиш эта олди.

Абдували СОЙИБНАЗАРОВ
(«Халқ сўзи») ёзиб олди.

Ўзбекистон энергетика тизимида биринчи бўлиб “Ўзбекгидроэнерго” АЖ таркибидagi ГЭСларда “яшил энергия” сертификатлари тизими жорий этилди. Эндиликда “яшил” сертификатлар биржа савдоси орқали маҳаллий ва хорижий ҳамкорларга сотила бошлайди.

Янгилик

Президентимизнинг 2023 йил 12 майдаги “Яшил энергия” сертификатлари тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, шу йил 1 июлдан бошлаб “Ўзбекгидроэнерго” АЖ тизимидаги гидроэлектр станцияларида ишлаб чиқарилган электр энергияси учун “яшил энергия” сертификатлари тизими жорий этилди.

Жорий ҳисоб-китобларга кўра, “Ўзбекгидроэнерго” АЖ тасарруфида 53 та ГЭС мавжуд бўлиб, умумий гидроэнергетик қувват 2 225 МВтга тенг. ГЭСларда ишлаб чиқариладиган электр энергия ҳажмидан келиб чиққан ҳолда, жамият томонидан йилга 7 млн. донa “яшил энергия” сертификати биржага савдога чиқарилиши ҳамда талабдорларга тақдим қилиш имконияти мавжуд. Бир донa “яшил энергия” сертификати қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда 1000 кВт/соат электр энергияси ишлаб чиқарилганлигини тасдиқлайди.

2030 йилга бориб иқтисодиётимизда энергия

самарадорлиги 2 қарра оширилиб, қарийб 50 миллиард/киловатт соат “яшил энергия” ишлаб чиқарилади. 10 минг километр магистраль ва 110 минг километр ҳудудий электр тармоқлари барпо этилади.

Энергетика соҳасининг ажралмас “яшил бўғини” ҳисобланган гидроэнергетика соҳасида мазкур йўналишда қатор амалий ишлар изчил татбиқ этилмоқда.

“Яшил энергия” сертификати — (қайта тикланадиган энергия сертификати деб ҳам аталади) қуёш, шамол, гидроэнергетика ва бошқа қайта тикланадиган энергия манбаларидан маълум миқдорда энергия ишлаб чиқарилганлигини тасдиқловчи электрон ҳужжатдир. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Халқаро қайта тикланувчи энергия манбаларини сертификатлаш ташкилоти (I-REC) билан келишувга эришди ҳамда ушбу тизимни тартибга солувчи масъул орган (эмитент) сифатида ушбу ташкилот аккредитациясидан ўтган.

Депутатлар — ҳудудларда

ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТНИНГ ИЖОБИЙ САМАРАЛАРИ

Шу кўнларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳудудларга чиқиб, сайловчилар билан очиқ мулоқотлар ўтказмоқда. Маҳаллама-маҳалла, хонадонма-хонадон юриб, аҳолининг яшаш шароитлари билан танишиб, муаммоларга ечим топишга қўмаклашяпти.

Хусусан, халқ вакили Фарҳод Зайниев ҳам ўзи сайланган округ — Қарши шаҳрида бўлиб, сайловчилар билан учрашди. Каманди, Комилон, Эски анҳор маҳаллаларида бўлиб, қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий қилиш ва энергия самарадор технологиялардан фойдаланиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳолати соҳа мутахассислари иштирокида ўрганилди.

Қуёш панеллари ўрнатилган аҳоли хонадонлари ва ижтимоий соҳа объектиларида ўтказилган мулоқотлар чоғида истеъмолчиларга ишлаб чиқарилган ва сарфланган электр энергияси ҳисобини юритиш, харажатларни қоплашдан ташқари, қўшимча даромад олиш мумкинлиги ҳақида керакли маълумотлар берилди.

Шу билан бирга, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш афзалликлари, ҳарид қилганда компенсация ва солиқ имтиёзлари берилиши тўғрисида аҳоли хабардорлигини янада ошириш мақсадида маҳаллаларда тарғибот-ташвиқот тадбирларини янада кўчайтириш зарурлиги айtilди.

Ўрганишлар давомида аниқланган масалалар тегишли идоралар билан биргаликда ҳал этиладиган бўлди.

Фарғонада замонавий боғчалар қад ростламоқда

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Дилбар Мамажонова ҳам Фарғона туманидаги 55-мактабда бўлиб, фуқаролар билан очиқ мулоқот қилди, уларни ўйлантириб келаётган муаммоларни ҳал этиш чораларини кўрди.

Илгари ушбу мактаб биноси ачинарли ҳолатга келиб қолган эди. Депутат ташаббуси билан таълим муассасаси биноси тўлиқ реконструкция қилиниб, ёнига қўшимча яна бир ўқув биноси қуриб берилди. Ҳозир бир ерда ўқувчиларнинг сифатли таълим олиши учун барча шароит яратилган.

Учрашувда сўнгги йилларда мамлакатимизда таълим тизимини ислоҳ қилиш, ёшларнинг сифатли таълим олишлари учун зарур шароитлар яратиш, ўқитувчи касбининг мақоми ва обрўсини кўтариш, уларнинг моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватланишини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида сўз юритилди.

Янги таҳрирдаги Конституциянинг мазмун-

моҳияти ҳақида сўз борар экан, Д. Мамажонова Асосий Қонунимизнинг 50-моддасида ҳар ким таълим олиш ҳуқуқига эгалиги, давлат узлуксиз таълим тизими, унинг ҳар хил турлари ва шакллари, давлат ва нодавлат таълим ташкилотлари ривожланишини таъминлаши, давлат мактабгача таълим ва тарбияни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиши белгилab қўйилганини таъкидлади.

Халқ вакили, шунингдек, ота-она қарамағидан маҳрум бўлган, инклюзив таълим оладиган болажонлар ҳолидан хабар олиб, улар билан самийий суҳбатда бўлди. Мавжуд муаммоларни ўрганиб, уларни ижобий ҳал этиш чораларини кўрди.

Депутатнинг ҳудуддаги учрашувлари давомида фуқаролар томонидан турли масалаларга оид кўплаб мурожаатлар келиб тушди. Ҳар бир мурожаат синчковлик билан ўрганилиб, жойида бартараф этилди.

Аниқланган масалалар ўз ечимини топадиган бўлди

Халқ билан очиқ мулоқот қилиш, аҳолини ўйлантираётган масалаларга ечим топиш мақсадида парламент кўйи палатаси депутати Муборак Аҳмедова ҳам Хоразм вилоятининг Ўрганч туманида аҳоли билан учрашувлар ўтказди.

Маҳалла фаоллари, ёшлар етакчилари иштирок этган тадбирда мамлакатимизда охириги йилларда амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар, шу жумладан, ёшлар ва хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг таълим олишлари, касб-хунар ўрганишлари учун шарт-шароитларни яратиш, бандлигини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар ҳусусида тўхталиб ўтилди.

Тумандаги Фойбу кишлоғи “Оқ мактаб” маҳалла фуқаролар йиғинида маҳалла фаоллари билан бўлиб ўтган учрашувда қонунчиликдаги янгиликлар, янги таҳрирдаги Конституциянинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида сўз борди.

Учрашув чоғида депутат берилган саволларга батафсил жавоб қайтарди, янги таҳрирдаги Конституция Ўзбекистоннинг барқарор ривожланишини таъминлашда, фуқаролар ҳуқуқлари кафолатларининг мустаҳкам ҳуқуқий асосларини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эгалигини таъкидлади.

М. Аҳмедова, шунингдек, Ўрганч туманидаги 25-оилавий поликлиникада ҳам бўлиб, маҳалла ахлига тиббий хизмат кўрсатиш сифати бўйича яратилган шароитлар билан танишди.

Очиқ ва самийий мулоқотлар чоғида фуқаролар сўнгги йилларда тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган туб ислохотлар нафақат вилоят марказида, балки чекка-чекка ҳудудларда ҳам бўй кўрсатаётганини қайд этди.

«Халқ сўзи».

КўП ТАРМОҚЛИ МАРКАЗИЙ ПОЛИКЛИНИКАЛАРДА ТИББИЙ ПСИХОЛОГ ШТАТИ ОЧИЛАДИ

Сўнгги йилларда юртимизда тиббий хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш, рақамлаштириш ишларини жадаллаштириш, соҳа ривожланишининг яқин ва узоқ муддатли истиқболларини белгилаш, рақобат ва ҳусусий секторни қўллаб-қувватлаш бўйича кенг қўламли ишлар олиб боришмоқда.

Акс садо

Хусусан, аҳоли саломатлигини асраш учун бюджетдан ажратилаётган маблағлар миқдори деярли тўрт баробарга оширилди. На-тижада аҳолига бепул кўрсатиладиган тиббий хизматлар ва бепул етказиб бериладиган дори-дармон воситалари сони сезиларли равишда ошди.

Шунингдек, аҳолининг руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш, сифатли психиатрия ёрдами кўрсатишни ташкил этиш, руҳий ҳолат бузилишининг олдини олиш, таълим қилиш ва даволаш тизимини янада ривожлантириш борасида ҳам салмоқли ишлар қилинди.

Жумладан, бу борада кадрлар масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, психиатрия йўналиши бўйича давлат грантлари асосида магистратурага қабул квоталари оширилди, олий тиббий таълим муассасаларининг психиатрия кафедраларида фундаментал, амалий ва инновацион илмий тадқиқот ишлари фаоллашди. Илк бор руҳий хасталикларга таълим қилиш ва даволаш бўйича ҳусусий тиббиёт ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар рўйхати тасдиқланди.

Яқинда қабул қилинган “Аҳолининг руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш хизматини янада ривож-

лантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори руҳий ҳолат бузилишларини эрта аниқлаш, уларга таълим қилиш, руҳий ҳолати бузилган шахсларни даволаш сифатини ошириш, соҳада самарали бошқарув тизимини жорий этиш, илм-фани ривожлантириш, кадрлар салоҳиятини юксалтириш, аҳолига ўз вақтида психиатрия ёрдами кўрсатилишини ташкил этиш борасидаги ишларни янги босқичга олиб чиқишга қаратилганлиги билан янада аҳамиятлидир.

Қарор билан 2023 йил 1 июлдан бошлаб Республика ихтисослаштирилган наркологиya илмий-амалий тиббиёт марказига айлантилди.

Ушбу марказда ихтисослаштирилган психиатрик, тиббий-психологик ва наркологиk ёрдам кўрсатиш йўлга қўйилиб, ушбу йўналишларда юқори технологик моддий база ва илмий мактаб шакллантирилди. Шунингдек, руҳий саломатлиқни таъминлаш йўналишидаги ишларни соғлиқни сақлашнинг барча даражасида мувофиқлашти-ради ва назорат қиладди.

Шу билан бирга, 2023 йил 1 августдан бошлаб туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникаларида Аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллигини ошириш марказининг туман (шаҳар) бўлималари шатларини қисқартириш ҳисобидан тиббий психолог, руҳий касалликлар шифохоналарида суицидолог, қабул бўлимларида шифокор, навбатчи психиатр, тиббий психолог ёки психотерапевт штатлари жорий этилади.

Ҳудудлар даражасида бундай тор соҳа мутахассисларининг жорий қилиниши эса, ўз навбатида, руҳий ҳолат бузилишини тиббиётнинг бирламчи бўғинининг ўзида эрта аниқлаш ва даволаш чораларини қўриш, руҳий ҳолати бузилган шахсларни клиник баҳолаш, даволаш ва кузатиб бориш бўйича кўникмаларини ривожлантириш ва билимларини ошириш имконини беради.

Шу билан бирга, қарор билан Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда ўқувчиларда ўзини ўзи бошқариш, мураккаб ҳаётий вазиятларни енгиб ўтиш кўникмаларини шакллантириш, депрессия, хавотирли ҳолатлар ва суицидларнинг олдини олиш бўйича махсус ижтимоий-эмоционал ўқув соатларини (Social Emotional Learning, SEL) умумий ўрта таълим муассасаларида мактаб дастуридаги мавжуд фанлар ва дарсдан ташқари жараёнлар доирасида йўлга қўйиш ҳам белгиланмоқда.

2023 йил 1 сентябрдан бошлаб тиббиёт ҳодимларини “психиатрия”,

“суд психиатрияси”, “тиббий психология” ва “наркологиya” йўналишлари бўйича қайта тайёрлаш курсларида ўқитиш харажатлари Иктидорли ва малакали тиббиёт мутахассисларини қўллаб-қувватлаш ҳамда тиббиёт муассасаларига жалб қилиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Бундан ташқари, 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб “Психиатрия”, “Тиббий психология” ва “Наркологиya” клиник ординатура ва магистратура мутахассисликларига қабул фақат давлат гранти асосида умумий қабул параметрлари доирасида амалга оширилади ҳамда қабул кўрсаткичлари ушбу мутахассисликларга бўлган ҳақиқий эҳтиёжни ўрганиш асосида шакллантирилади.

Энг муҳим ўзгартришлардан яна бири, 1 июлдан бошлаб туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникаларида ишлаётган психиатр ҳамда психиатрия даволаш муассасаларида фаолият юритаётган психиатр, тиббий психолог, психотерапевт ҳамда суицидологларнинг лавозим маошига устам микдори 25 фоиздан 50 фоизга оширилади.

Умуман олганда, қарорда белгиланган вазифаларнинг соҳа ва ҳаётимизга таъбиқ этилиши бугун жамиятимизда айрим ҳолатларда аҳолининг, айнқиса, баалоат ёшидаги ёшлар билан рўй бераётган қўллаб салбий ҳолатларнинг олди олинишига хизмат қиладди.

Олтиноя МАМИРОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Инновация

Оролбўйида ноёб доривор ўсимликлар етиштирилади

Хитойнинг Синцзян экология ва география институтининг бир гуруҳ олимлари Қорақалпоғистон Республикасида бўлиб, Оролбўйи халқаро инновацион маркази мутахассислари билан юзма-юз мулоқотда цистанке доривор ўсимлигини етиштириш масаласини муҳокама қилишди.



— Цистанке доривор ўсимлигини етиштириш учун туманимизнинг “Абат жап” ўрмон ҳўжалиги фонди еридан 10 гектар майдон таллаб олинди, — дейди Чимбой тумани ҳокими А. Тажетдинов. — Шунингдек, учрашувда туманимизда ушбу ўсимликни етиштириш режалаштирилган дала майдонлари бўйича тақлиф қилинаётган лойиҳа тақдимоти ҳам ўтказилди.

Айтиш жоизки, 2022 йил 20 май куни қабул қилинган “Доривор ўсимликларини маданий ҳолда етиштириш ва қайта ишлаш ҳамда даволашда улардан кенг фойдаланишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори иқроси доирасида Оролбўйи халқаро инновацион маркази томонидан Хитой Фанлар академиясининг Синцзян экология ва география институтини билан музокара-лар олиб борилади. Яқинда марказ директори Б. Ҳабибуллаев бошчилигидаги делегация Хитойнинг Синцзян-Уйғур автоном туманида бўлиб қайтди. Сафар давомида 2 минг гектар майдонда парваршиланаётган цистанке ўсимлиги плантацияларида ушбу ўсимликни маданий ҳолда етиштириш тажрибаси ҳам ўрганилди.

Бу ўсимлик, асосан, Шимолий Африка, Марказий Осиё ва Пиреней яриморлиги чўлларида ўсади. Япония, Хитой ва Қозоғистон фармацевтика саноати ҳамда косметология соҳасида кенг қўлланилади. Осиё халқлари ўртасида цистанке ўсимлиги қадимдан “сахродаги ҳаёт илдири”, “олтин томир” номлари билан атайди келинади.

Ғайрат ОТАЖОНОВ
(«Халқ сўзи»).

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,

Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 741. 13 655 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғ бичими А—2. Баҳоcи келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-233-52-55;

Котибият 71-233-10-28; Эълоналр 71-232-11-15.

155N 0100-8788

7123303478004

7123303478004

Тахририятга келган қўлабмақал тақриз қилинмайдиган ва муаллифга қайтарилмайдиган.

Газетанинг етказиб берилиш учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфия ҳиждатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100000,

Тошкент шаҳри,

Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.

Мусаҳҳиҳ — С. Исламов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:

Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.30 Тошпирилди — 21.55 1 2 3 4 5 6